

Яхши мақсадда ёлфон гапириш жоизми?

20:12 / 27.04.2016 5679

САВОЛ: Яхши мақсадда ёлфон гапириш жоизми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Исломда ёлфон ҳаром ва катта гуноҳ ҳисобланса ҳам ундан каттароқ зарарни қайтариш учун уч ҳолатда истисно тариқасида ёлфон ишлатишга рухсат берилган.

1. Одамлар орасини ислоҳ қилиш.

Мусулмонларнинг бир-бирлари билан уришиб юришлари жуда ҳам ёмон иш. Бу ёмон иш оқибатида инсонлар ва жамиятлар ораси бузилади. Кишиларнинг бир-бирлари билан хусуматлашишлари, уришишлари барча бало-офатларнинг бошидир. Шунинг учун бу ҳолат пайдо бўлиши билан қандоқ қилиб бўлса ҳам уни бартараф қилишга ўтмоқ зарур. Бу йўлда ҳатто ёлфон гапирилса ҳам рухсат бор. Чунки одамларнинг орасини ислоҳ қилиш учун ёлфон гапирган одам фақатгина яхшилик учун ёлфон гапиради.

2. Урушда ғалаба қилиш учун.

Душман билан бўлаётган қуролли қарама-қаршилик ҳаёт-мамот жанги бўлади. Бу жангда душман қўлидан келган барча ишларни, жумладан, ёлфонни ҳам ишга солади. Агар аскар енгилса барча уммат ва миллат душман асорати остида қолади. Шунинг учун ҳам кўпчилик манфаати йўлида душманни доғда қолдириш учун ёлфон гапиришга рухсат берилган.

3. Оиланинг аҳлигини сақлаб қолиш учун.

Ҳар бир жамиятда оиланинг аҳиллиги алоҳида аҳамият касб этади. Аҳил оилада ўсган болалар салоҳиятли фуқаро бўлиб ўсишади. Ота-онанинг жанжаллари остида ўсган болалар эса салоҳиятли фуқаро бўлишлари мумкин эмас. Шунинг учун ҳам эр-хотин орасидаги ўзаро аҳиллик жуда ҳам муҳимдир. Ана шу аҳилликни сақлаб қолиш мақсадида эр-хотин бир-бирларига яхши маънода ёлфон гап айтишларига рухсат берилган.

Ушбу истисно тариқасида рухсат берилган уч ҳолатдан бошқа ҳолларда ёлфон гапириш мумкин эмас.

Умму Кулсум бинти Уқба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бу аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган биринчи муҳожиралардан бўлган эди. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Одамлар орасини ислоҳ қилган каззоб эмас. Хайрни айтади ва хайрни етказди», деганларини эшитган экан.

«Мен у зотнинг одамлар «ёлғон» дейдиган нарсдан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло уч нарсага; урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эрнинг ўз хотинига ва хотиннинг ўз эрига гапиришида рухсат берганлар», деди у».

Тўртовлари ривоят қилган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғондан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло уч нарсани «ёлғончи ҳисобламайман» дер эдилар; одамлар орасини ислоҳ қилган одамни. У бир гапни айтса, ундан ислоҳдан бошқани ирода қилмайди. Урушда сўз сўзлаган кишини ва ўз хотинига сўз айтган эрни ҳамда ўз эрига сўз айтган хотинни», дейилган. Валлоҳу аълам.